ДАЛВАРЗИНТЕПА ҲАҚИДА ЯПОНЧА КИТОБ

ТОШКЕНТ. Бундан уч йил аввал юртбошимизнинг Японияга сафари чоғида саньатшунослик илмий тадқиқот институти билан Сока университети ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ижобий баҳоланган эди. Ҳозир Япония — Ўзбекистон ўртасида дўстона муносабатлар мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, Далварзинтепа шаҳристонини илмий ўрганишдаги ҳамкорлик ҳам шундан нишона. Беш йиллик археологик қазишмалар ўз самарасини берди. Олимларимиздан Б. Турғунов, Ж. Илёсов, япон археологлари М. Кояма, Т. Ҳаясиннинг илмий изланишлари самараси — Далварзинтепа ҳақидаги китоб япон тилида чоп этилди.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

БЕРУНИЙГА АТАЛГАН МИЛЛИОН

НУКУС. Қорақалпоғистонда қадриятларни тиклаш, маънавий меросни ўрганишга эътибор катта. Хусусан Абу Райҳон Беруний таваллуд топган шаҳарда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Беруний қабрини таъмирлаш мақсадида Бобур номидаги халқаро жамғарма таклифини кўллаб-кувватлаган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши жамғарма ҳисобига 1 миллион сўм ўтказди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

КУННОМА

янгиликлар
воқеалар
хабарлар

ДОРИ-ДАРМОН ВА "ВОЛГА"

НАМАНГАН. Шаҳарнинг шимолий кисмида аҳоли кўпайиб бормокда. Шу боис, бу ерда тиббий ёрдам маркази ташкил этилди. Вилоят ҳокимлигининг ёрдами билан марказга етарли дори-дармон ва жиҳозлар ажратилди. Шифокорлар ўзлари учун ажратилган еттита "Волга", тўртта "РАФ" русумли автомашиналар учун миннатдорчилик билдиришмокда.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

КОЛЛЕЖДА НЬЮ-ЙОРКЛИК МЕҲМОН

САМАРҚАНД. Савдо коллежи кадимий илм даргоҳларидан. Ўкиш ва ўкитиш мустақиллик даври талабларига тўла мос. Бу ерга Нью-Йоркдан меҳмоннинг ташриф буюриши ҳам бежиз эмас. Султон Хержи коллежга келиб, яратилган шароитлардан мамнун бўлди. Бир пиёла чой устида ёшлар ижро этган куй-кўшик мехмонга кувонч бағишлади. У Америкада ўтказиладиган байрамлар ва урф-одатлар ҳақида сўзлади. Кеча охирида "Оптиме-Трайвер" фирмаси жонкуяр ўқитувчи ва талабаларга совғалар топширди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 28 январь, сешанба № 12 (22.097).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

27 январь куни Республика Президенти Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасида йиғилиш бўлди. Унда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, 1996 йил якунлари ва 1997 йилдаги бу борадаги устувор вазифалар муҳокама этилди. Мажлисда тегишли вазирликлар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги соҳасига мутасадди ўринбосарлари, бир қанча жамоа, деҳқон (фермер) хўжаликлари раислари, тадбиркорлар иштирок этди.

СУРАТЛАРДА: йиғилиш пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Биз бугун қишлоқ хўжалиги соҳасида 1996 йил якунларини кўриб чиқишимиз, улардан керакли хулосалар чиқариб, жорий йилда ана шу камчиликларнинг такрорланмаслиги учун ҳаракат қилишимиз лозим, деди Ислом Каримов. Бу гап, айниқса, қишлоқ хўжалик соҳаси учун тегишлидир. Чунки қишлоқ хўжалигида ўтказаётган ислоҳотларимиз кутилган натижани бермаса, умумиқтисодиётда ўзгаришга эришиб бўлмайди. Зеро, бизнинг ризқ-рўзимиз қишлоқ билан боғлиқ, саноат корхоналаримизнинг кўп қисми қишлоқларда етиштирилган хом ашё асосида ишлайди. Агар халқимизнинг 65 фоизи қишлоқ жойларда яшашини назарда тутсак, масаланинг нечоғли муҳимлиги янада ойдинлашади.

Шуни тан олишимиз керакки, ҳозирча қишлоқда ўтказилаётган ислоҳотлар йўлида муайян тўсиқлар, бу ишларни ривожлантириш борасидаги камчиликлар мавжуд. Хусусан, мулк шаклини ўзгартирган деҳқон (фермер) хўжаликларига, хусусийлаштирилган фермаларга ёрдам бериш, уларни қўллаб-кувватлаш борасида изчиллик етишмаяпти. Уларга етарли миқдорда ер ажратиш, айланма маблағларини ҳосил қилиш учун кредит бериш, техника ва ўғит билан таъминлаш, етиштирган маҳсулотларини сотиш каби масалаларда вазирликлар ва бошқа ташкилотлар ҳамда ҳокимликлар яқиндан ёрдам беришлари керак. Қишлоқ ҳақида қайғуриш барчанинг иши бўлмоғи зарур, деб таъкидлади Президент.

Бизда ҳақиқий фермерлар, мулк эгалари, тадбиркор хўжалик раҳбарлари камлиги сезилади. Шунинг учун ҳам янгича фикрловчи одамларни аниқлаш, уларга масъулиятли вазифаларни ишониб топшириш лозим. Чунки қобилиятли кадрлар ҳар қандай жамиятнинг олтин фонди ҳисобланади. Уларнинг изланишлари, меҳнатларисиз жамиятнинг тараққиётга эришиши секин кечади.

Қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, мулк ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш, қўшимча иш жойлари ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалигида ишловчилар сонини камайтириш ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналишлари бўлиши лозим. Бундан ташқари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан химия, агросервис, қайта ишлаш ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида ўзаро манфаатдорликни таъминлаш ҳам муҳим вазифадир. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятига аралашиш, уларга тазйиқ ўтказиш, таъмагирлик ва тўраларча муносабатда бўлишнинг ҳар қандай кўринишларига қатъий барҳам бериш даркор, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Мажлисда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қ. Обидов кун тартибига қўйилган масала юзасидан ахборот берди. Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги «Сарабий» деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмаси раиси Й. Авезниёзов, Хоразм вилояти Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Қуваков, Хонқа туманидаги «Ғалаба» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Ў. Абдуллаев, Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Ҳамроев, Наманган вилояти Уйчи тумани О. Мўминов номидаги жамоа хўжалиги раиси Р. Исматуллаев, Сурхондарё вилояти Денов тумани С. Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони И. Файзуллаев, Тошкент вилояти «Мукимий» хусусий чорвачилик фермаси бошлиғи М. Эрхўжаев, Фарғона вилояти Бешариқ тумани агрофирмаси раиси А. Абдуназаров, Қашқадарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Каримов ва бошқалар сўзга чиқиб, ислоҳотларни амалга ошириш борасида жойларда тўпланган тажриба, бу йўлдаги тўсиқ ва муаммолар хусусида батафсил тўхталдилар.

Мажлисда республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

Ислоҳот ва масъулият

ЯРИМТА НОН — РОҲАТИ ЖОНМИ?

Берсанг ейман, урсанг ўламан қабилида яшайдиган замонлар ўтди, боқимандалик илдизига болта урилянти. Буни юртбошимиз халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам алоҳида таъкидлаганди. Энди оддий меҳнаткашдан тортиб, раҳбаргача осойишта ўтирадиган замон эмас.

Ҳеч кимга сир эмас, вилоятда ўтган салкам уч йил ичида раҳбарликда қатъиятлик ўрнини серандишалик талабчанлик ўрнини мулойимлик эгаллади, айрим ҳолларда маҳаллийчилик устунлашгани сабабли кадрлар шижоати сўнди, аниқроғи, айрим тадбиркорлар курсисига лоқайд, икки кўлини кўксига кўйиб таъзим бажо этувчилар ўрнашди. Оқибатда ислоҳотларни амалга оширишда жиддий нуқсонлар юзага келди, ишлаб чиқаришда сифат унутилди, ишчидан тортиб, деҳқонгача — ҳамма яримта нонга кўнди.

— Корхонада ўттиз йилдан буён ишлайман, — дейди биз билан суҳбатда «Бухорогўштсутсавдо» давлат савдо ишлаб чиқариш корхонаси ҳайдовчиси Ҳикмат Раҳматов. — Илгарилари корхонамиз қолоқ эди, бинолар ҳақида, ишчиларга ғамхўрлик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Келиб кетган раҳбарларнинг саноғи йўқ. Маҳмуджон келди-ю ҳаммаси изга тушди.

Илгари Бухоро-Когон йўли ёқасида шундай корхона борлигини маълум кишилар — иши тушганлар билишган. Омборхоналар, маъмурий бино нураш ҳолига келган. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ишчилар манфаатдорлигини ошириш, ободончилик ҳеч кимнинг хаёлига келмаган...

Бундан бир ярим йил илгари бу ерга келган М.Холов манзарани кўриб довдирамади. Маҳсулот айланишини яхшилашга эътибор берди. Атрофига меҳнатсевар ёшларни йиғди. Корхонани оёққа турғазишнинг йўлларини излади, соф фойда олиш пайида бўлди. Бунинг учун аввало ишчига қайишди. Иш ўринларини қисқартириш пойгасига батамом нуқта қўйди. Самарасичи, дерсиз? Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи 3480 сўмга тўғри келяпти!

Ҳа, раҳбар куйиб-ёниб ишламаса — унга ишчи эргашмайди, аксинча барака қочади, корхона инқирозга юз тутади.

— Тадбиркор қўлининг баракаси бўларкан, — дейди электрчи Истам Ҳожиев. — Янги раҳбаримиздан кўнглимиз тўқ, ойлигимизни вақтида оламиз. Бир кеча-кундузда 10 тонна колбаса ишлаб чиқарадиган цехимиз бор. Новвойхона, музқаймоқ ишлаб чиқарадиган цех, ошхона, чойхонага эгамиз. Иссиқхона, шифохона, назорат маскани қуряпмиз.

Қурувчилар билан ҳам суҳбатлашдик. Улар 167 кишилик жамоада ишлаётганларидан, ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганликларидан мамнунлар...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Маҳмуд ака ўз жамоасини ўйлаш билан бирга кўп хайрли тадбирларга ҳам бош-қош. «Нурафшон» футбол жамоасига ҳомийлик қилади. Бухоро тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, соғлиқни сақлаш муассасалари қувватини оширишга кўмаклашади, етим-есирлар, вилоят руҳий касалликлар шифохонасида даволанаётганларга корхона ҳисобидан ёрдам бериб турибди. Савобли ишни ҳар куни қилаётгани-чи!

Ўйлаб кўрсак, ҳамон орамизда яримта нон — роҳати жон, деб кун ўтказаётганлар ҳам камми?! Улар бош бўлган корхона, хўжалик, туманлардаги бултурги йил сарҳисоби шундан далолат беряпти!.. Бу энди — алоҳида мавзу.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қишлоқ ижтимоий инфраструктураси дастури қандай бажарилянти?

АНГОРДА «ТЎЛАКОВ» БЎЛМАГАНДА...

Аввал Жарқўрғон тумани тасарруфида бўлган Қузи Тўлаков номли сабзавотчилик хўжалиги 1980 йилда Ангор тасарруфига ўтказилди. Бу «ўтказилиш» бўлмаганда Ангор бугунги кунда «биз вилоятда (эҳтимол республикада) қишлоқни 100 фоиз газлаштирдик» деб ҳақли равишда мағрурланиши мумкин эди. Кейинги учтўрт йил ичида бу ерда хонадонларнинг 80 фоизи газлаштирилди. Афсуски, Ангор марказидан йигирма беш-уттиз чақирим нарида бўлган Қ. Тўлаков номли жамоа хўжалиги қишлоқлари ҳали газлаштирилгани йўқ. Айни пайтда, тўлаковликлар ўша «ўтказилиш» бўлмаганда ўзимизга яқин Жарқўрғон бизни газлаштириб юборармиди, деган гапни кўнгилларига оладиган бўлиб қолишган!

Айтгандек, Тўлаков номли хўжаликда ҳам оз-моз пахта экиладиган бўлган. Демак, тандирларини ғўзапоя билан оқартиришади-да. Ғўзапоя ҳар қалай тандир оқартиришга сомондан кўра яхши эмасми, а, лаббай?!

«АҲОЛИГА ҚАНЧА ЦЕМЕНТ, ШИФЕР СОТИЛЯПТИ, ҲОКИМ МУОВИНИ?»

Сурхондарёда Шўрчи ва Ангорни қурилишлар майдони деб тавсиф қилишарди.

«Асакабанк» филиалининг ҳашаматли биноси Ангорда икки ой ичида қуриб битказилди. Миллий кураш ўтказиладиган мўъжаз майдонни кўрсангиз... Шарқ меъморчилиги анъаналари асосида қурилган дўконлар, ошхона, деҳқон бозорлари диққатингизни тортади. Мактаблар, шифохоналар ишга туширилди...

Лекин... қурилиш суръатлари аҳолининг ўсиши, демакки, одамларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжлари ўсишидан анча-мунча орқада қолмоқда». Масалан, айрим тахминлар аралашган маълумотларга қараганда, тўқсон олтинчи йилда хусусий тартибда 14 минг квадрат метр уй-жой қурилган. Бу эҳтиёждагидан 11-12 минг квадрат метр кам.

Бу камни давлат йўли билан қурилаётган уй-жойлар қоплаётгандир, дерсиз. Қани эди шундай бўлса?! Афсуски... 251-қурилиш жамоаси 20 хонадонли уйни бошлаб қўйганига ҳам... уч йил ўтди! Уйнинг биринчи қавати қорайтирилдию иш ташландиқўйилди. Қаровсиз қурилиш яна бирон йил шундай турсами, терилган ғиштларини одамлар ташиб кетса ажабмас...

Хўш, шахсий тартибда уй-жой қурилишига давлат идоралари нима кўмак кўрсатишяпти? Бу саволга туман ҳокимининг шу соҳага дахлдор масалалар билан шуғулланувчи муовини Холбой Сатторов аниқ жавоб айтолмади?! Аҳолига қанча цемент ё шифер сотилди? — ҳатто, шунинг ҳам ҳисоби олинмаган экан-а... Афсус!..

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЛЧИНИНГ ВОДИЙГА ТАШРИФИ

ФАРҒОНА. *Буюк Британиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Барбара Хей хоним вилоятда бўлиб, мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар билан танишди. Маълумки, Буюк Британиянинг бир қанча фирмалари бу ерда фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, «Мередит Жонс» компаниясининг қишлоқ хўжалик тизимида олиб бораётган ишлари самарали кечмоқда.*

Шунингдек, Барбара Хей хоним Фарғона Давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Алишер ИБОДИНОВ.

САХОВАТ КЎРСАТИБ

ЖИЗЗАХ. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги савобли иш қилди. Шаҳардаги 29-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 200 минг сўмлик кийим-кечак совға қилиб берилди. Туҳфани топшириш чоғида вазир ўринбосари У. Усмонов ёшларга тансиҳатлик ва муваффақият тилаб, бундай ҳиммат кўрсатиш анъанага айланишини билдирди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

ЯНГИ СУТ КОМБИНАТИ

ҚАШҚАДАРЁ. *Касби тумани марказида янги сут комбинати қурилиб, ишга туширилди. Қурилиш ишларига 8 миллион сўм маблағ сарфланди.*

— Ҳозирги вақтда корхона бир кеча-кундузда 10 тонна сутни қайта ишлаяпти, — дейди комбинат директори Асқар Тожиев. — Бу, айниқса, деҳқон-фермер хўжаликлари учун қатор қулайликлар яратди. Энди улар маҳсулотни узоқ жойларга ташиб юрмасдан шу ернинг ўзида топширяяптилар.

Илҳом КАРОМОВ.

ЧЕЧЕНИСТОНДАГИ САЙЛОВ ҲАҚИДА

ГРОЗНИЙ. Кеча Чеченистонда бўлиб ўтаётган президент ва парламент сайловларида юқори давлат раҳбари лавозимига ўз номзодини қўйганлар сони 16 тадан 13 тага камайди. Якшанба куни кенг жамоатчиликка унча таниш бўлмаган 3 киши ўз номзодларини қайтиб олдилар. Яқинда ўтказилган жамоатчилик фикри суровига қарайдиган бўлсак, суровда иштирок этганларнинг деярли 65 фоизи «Ичкерия собиқ бош вазири» Аслан Масхадов номзодини маъқул кўришган. Чеченистон коалицион ҳукуматининг собиқ бош вазири ўринбосари Мовлади Удуговга сўралганларнинг 17 фоизи овоз берган.

Даъвогарлардан Зелимхон Яндарбиев ва Шомил Басаевлар ҳам суровда бир хил — 8 фоиздан овоз йиғиб учинчи ўринни банд қилишган. Ҳозирга қадар республика парламентидаги 63 ўрин учун 800 киши даъвогар бўлиб туришибди.

АМИРЛИКЛАРНИ ЖАЛА БОСДИ

АБУ-ДАБИ. БААда ҳаддан ташқари қуруқ келган бу йилги қиш кутилмаганда мисли кўрилмаган жала билан бузилди. Бир кеча-кундуз мобайнида 61,7 мм. қалинликда ёғингарчилик бўлиб ўтди. Шаҳар дренаж тизимлари ҳам бундай ёмғирни ҳазмлай олмасдан қолди. Шаржа ва Дубай шаҳарлари кўчаларида машиналар ҳаракати қийинлашиб, ўртача тезлик соатига 10 км.гача тушиб қолди. Ўша кунни пойтахтда 110 та йўл ҳаракати ҳалокати юз берди.

INTERNET UZ INFOCENTRE -ON-LINE РАК

БИР ЙЎЛА ЕТТИ ЭГИЗАК

МЕХИКО. Мехико клиникаларининг бирида туғилган 7 эгизакнинг (2 ўғил, 5 қиз) аҳволи мураккаблигича қолмоқда, лекин умид қилса бўлади. 28 ёшли Мария Росио Диас эгизакларни 6 ярим ойлик даврида туғиб қўйди. Врачларнинг гувоҳлик беришича, ғўдакларнинг ўпкалари яхши ривожланмаган. Уларнинг оғирлиги 600-800 грамм атрофида. Тўғри, ажабланишга асос бор, чунки бепуштликдан озор чеккан Мария бу гал суньий йўл билан ҳомиладор бўлган эди.

КУЧЛИ ТЎФОН ҚУРБОНЛАРИ

ДОР-УС-САЛОМ. 100 дан зиёд Мадагаскар аҳолиси оролга келган кучли тропик туфон натижасида ҳалок бўлишди ёки бедарак йўқолишди. Антананариву радиосининг хабар беришича, шаҳардаги биноларнинг 90 фоизи талафот кўрган, минглаб одамлар уй-жойсиз қолдилар. Мутахассисларнинг эътироф этишларича, бу Ҳинд уммонидаги Мадагаскар ороли тарихидаги тўфонларнинг энг даҳшатлисидир.

ТЕРРОРЧИЛАР ПОЛИЦИЯ ГЕНЕРАЛИНИ ҚЎЙИБ ЮБОРИШДИ

МЕХИКО. «Тупак Амару» деб аталган Перу сўл радикал ҳаракати жангарилари кеча Лимадаги Япония элчихонасида 17 декабрдан буён гаровда ушланиб турган 73 кишидан бирини — касал бўлган миллий полиция генерали Хосе Ривас Родригесни озод қилишди. Перудан хабар қилинишича, генерал медицина хулосасига биноан аҳволи жуда ёмонлашгани сабабли Халқаро Қизил Хоч вакиллари иштирокида бу ердан замбилда олиб чиқиб кетилди.

Миллат ва маънавият

ЭНГ БЕБАҲО ТУЙҒУ

Ҳозирги ўтиш даврининг қийинчиликларини тезроқ бартараф қилиш ва тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб, халқимизнинг барча эҳтиёжларини тўла таъминлаш учун иқтисодий масалаларни ҳал қилиш билан бир қаторда маънавият ва маърифат масалаларига катта эътибор бериш зарурлиги кўриниб қолди.

Чунки маънавий баркамол кишиларгина мамлакатимиз олдида турган улкан ва мураккаб вазифаларни ҳалол ва бекаму-кўст ҳал қилишга қодирлар. Президентимизнинг бу соҳада «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ишларни мувофиқлаштириш ва таълим муассасаларига амалий ёрдам бериш мақсадида вазирликда «Маънавият ва қўшимча таълим» бошқармаси, Республика таълим марказида шу номдаги бўлим ташкил этилди. Умумтаълим мактабларида маънавият ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозими Меҳнат вазирлиги билан келишилган ҳолда ташкил этилди.

Айниқса, маънавий-маърифий масалаларни йўлга қўйишда кутубхоналар олдида катта вазифалар турибди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида мактабдан ташқари муассасаларда, ноябрь ойида вилоятлар малака ошириш институтлари кутубхоначиларининг «Илғор тажриба мактаби» семинар-кенгашлари ўтказилди. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли тадбирлар, танловлар, мусобақалар, слётлар, кўриклар, вазирлик тизимида эса мунтазам «Ижодкор ўқитувчилар» слёти ўтказилаяпти.

Бундан ташқари, ҳар йили «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида Марказий Осиё республикалари иштирокида «Болалар фольклор-этнография фестивали», «Техника спорт мусобақалари», ёш саёҳатчилар ва ўлкашуносларнинг ҳар хил тадбирлари ўтказилмоқда.

Ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялаш, санъатга яқинлаштириш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда «Театр ва мактаб» мавзуида семинар ва санъат усталари билан тарбияга бағишланган учрашувлар ташкил этилмоқда. Ўзбекистон Мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги қарори асосида барча халқ таълими муассасаларининг ўқувчи, талабалари, ўқитувчи ва тарбиячилар кўрикда иштирок этишди. Вазирлик Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан ҳамкорликда янги куй ва қўшиқлар яратишди. Кўрик-танловда ғолиб чиққан Республика ўқувчилар саройининг «Бойчечак» хор жамоаси якунловчи босқичда иштирок этди. Янги яратилган қўшиқлар «Ўзбекистон — Ватаним маним» номи билан китоб шаклида чоп этилди.

Ўзбекистонимизнинг келажагини мустаҳкамлаш, уни буюк давлатга айлантириш учун ҳамма соҳада бошқа тараққий этган чет мамлакатлар билан айниқса, Америка Қўшма Штатлари билан халқ таълими тизимида инглиз тилини ўрганиш, тараққиёт тажрибаларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Айни пайтда кўплаб АҚШ вакиллари Ўзбекистонга, республикамиз вакиллари Америка Қўшма Штатларига мактаб-маориф, маданий, илмий ҳамкорликни мустаҳкамлаш соҳасида ижодий сафар қилмоқдалар. Тўпланган тажрибалар бир-биримизга қўл келмоқда.

Биз яқинда АҚШнинг Колорадо штатида бўлдик. Кўп шаҳарлар мактаблари билан танишдик. Болдир шаҳри мактабларида бўлганимизда ҳар бир синф, спорт заллари, ўқитувчилар хонаси, мактаб ошхоналари ва кабинетларга Америка байроғи осиб қўйилган эди. Мантиқан қараганда ўқувчи ўзи туғилган она юртининг рамзи бўлмиш ўз байроғининг моҳиятини, ўз Ватани қадр-қимматини, унинг тарихи, юртбоши кимлигини, қаерда ва қайси мактабда қандай ўқигани, унинг болалик, ёшлик йиллари, қандай қилиб камолотга етганини аниқ билиши керак. Шу маънода Америка байроғининг ҳамма жойга илиб қўйилиши бизда қизиқиш уйғотди. Сафардан қайтгач, биз ҳам шу ҳақда ўйлаб, тегишли тадбирларни белгилашга киришдик.

Халқ таълими вазирлигида мамлакатимиз Президентининг халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида баён этилган хулосалар ва вазифалар дастури амал сифатида қабул қилинди.

Бугун маънавий-маърифий ислоҳотларнинг жадаллиги ва самарадорлигини таъминлашда зиммамизга улкан масъулият юкланган. Чунки ота-боболаримизнинг асрий орзулари бўлмиш авлодни тарбиялашдек муқаддас ишнинг масъулияти бизга юкланган. Шунинг учун келажак авлоднинг нечоғли пок, маънавияти юксак бўлиши сафдошларимизнинг ҳалол меҳнатига, ёш авлодга маънавият ва маърифат ёғдуларини сингдира олишига боғлиқдир.

Аввало талаба ёшлар миллий узликни англаши керак. Бу муҳим ҳақиқатнинг моҳияти эса шахснинг ўзи мансуб бўлган миллатнинг тарихи, жаҳон тафаккур хазинасига қўшган ҳиссасини тугал тасаввур этиш ва булардан ифтихор қила олиши, ўзи туғилиб ўсган ягона ватани билан ҳамда шу юртдаги барча маданият ва қадриятларга дахлдорликдан фахрлана билиши, миллий манфаат ва эҳтиёжларни идрок этиши ва улар учун хизмат қилишни узининг муқаддас бурчи деб билиши шарт. Ана шундагина ёшлар юрагида ўлмас туйғу — Ватанга муҳаббат ва меҳр шаклланади.

Муртазо СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари.

Истиқлол ва фан тараққиёти

ЎЗБЕКИСТОН ҚУДРАТЛИ ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКА МАМЛАКАТИГА АЙЛАНАДИ

Илмда энг ёрқин соҳа ҳисобланган физик оламнинг етук олимларидан бири Юнусбек Юсуфбек ўғли Абдураҳмоновнинг ишлари ва режалари нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё мамлакатлари халқларининг саодатини қамраб олиш даражасида қутлуғ ва ишончли. У кишининг исботли далилларига қараганда электрон техника саноатига кенг йўл очилиши Ватанимизнинг ялпи ривожланишини камида эллик йил олдинга бошлайди. Лекин «ярим асрлик тараққиёт» папкада анча қолиб кетганлиги домла билан суҳбатдош бўлган ҳар бир зиёлини оғриқли ташвишлантирса-да, муҳими, ғоялар ишлаб чиқилган, дастурлар тайёр. Ҳатто чет эл ишбилармонлари ҳам домланинг атрофида гирдикапалак.

Юнусбек ака 1972 йилда ТошДУнинг физика факультетини тугаллаганидан сўнг ЎзФА Физика-техника институтида, Санкт-Петербургдаги Россия Фанлар академиясининг А. Ф. Иоффе номли физика-техника институтларида микроэлектроника, оптоэлектроника ва нур тола алоқа тизимининг асосий элементларини яратиш юксак технологияси билан шуғулланган. Физика-математика фанлари номзоди.

Устозлари ЎзФА мухбир аъзоси М. И. Юнусов, М. М. Мирзабоев ва Ю. П. Яковлевлар бошчилигида 10 дан ортиқ физика-математика фанлари номзодларини тайёрлашда қатнашган.

ЎЗИНИНГ АЙТГАНЛАРИ:

Электрон техника саноати мураккаб соҳа бўлиб, қўйидаги тармоқларни ўз ичига олади. Агроэлектроника — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда электрониканинг ролини кенгайтириш, иссиқхона, паррандачилик, фермер хўжаликларини электронлаштириш, электрон суғориш ишларини қўллаш, қишлоқ хўжалигидаги экология масалаларини ечиш, пахта, дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларининг сифатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган рақобатга чидамли тезкор электрон қурилмаларни мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва четга экспорт қилишдир.

Микро ва оптоэлектроника — замонавий электрон-техника саноатининг юрагини микро ва оптоэлектроника тармоқларининг ютуқлари асосида ишлаб чиқарилган унинг элементлари, яъни ярим ўтказгичли диодлар, транзисторлар, микросхемалар, лазерлар... ташкил қилади. Юксак технологияларга мансуб «ноу-хау»лар одатда давлатлар томонидан кўриқланади.

Ҳозирги кунда микро ва оптоэлектроника тармоқлари юксак технологиялари ютуқларининг биргаликда қўлланиши ривожланган давлатлар фани ва техникасининг чўққиси бўлиб, XXI аср жамият инфраструктурасини яратиш пойдеворидир.

Медицина ва экология электроникаси ривожланган хорижий мамлакатларда тиббиёт ва диагностика электрон қурилмаларини ишлаб чиқариш ҳамда ички касалликларни ҳатто врач ёрдамисиз ўта митти электрон қурилмалар ёрдамида даволаш масалалари яхши йўлга қўйилган. Мамлакатимизда экологик муҳитнинг тозалигини аниқловчи ва инсон соғлигига хизмат қилувчи ҳар хил асбоб-ускуналар, электрон қурилмаларни яратиш вақти келди. Бу тармоқ мамлакатимизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилувчи энг муҳим соҳалиги билан ўз амалиётини кутиб турибди.

Маданий ва кундалик турмуш электроникаси тармоғи жуда кенг бўлиб, ҳар бир хонадонга чет эл электрон қурилмалари (аудиотехникалар, шахсий ЭҲМлар ва бошқалар) кириб келган ва келишда давом этмоқда. Уни ўзимизда ишлаб чиқариш муаммолари ҳал қилинса, иқтисодий самарадорликка эришишимиз аниқ. Саноат электроникаси эса бизнинг келажакда қандай ривожланишимиз ва нималарга қодирлигимизни белгилайди. Унинг ривожланиши билан ишлаб чиқаришда кескин ўзгаришлар юз беради, маҳсулот сифати жаҳон ўлчовлари даражасига етади.

Мамлакатимизда ҳозирча замонавий электрон техника саноатининг тармоқларидан фақатгина микроэлектроника ривожланган бўлиб, мустақиллик кунларимиздан бошлаб маданий ва кундалик турмуш электроникасига асос солинди. Агроэлектроника, оптоэлектроника, медицина ва экология ҳамда саноат электроникаси мавжуд эмас. Демак, зудлик билан мамлакатимизда ҳақиқий замонавий электрон техника саноатини ташкил қилиб, бу тузилма тизимларининг қонуний асосларини Ўзбекистон манфаатларини кўзлаган ҳолда бозор шароитига мослаб ишлаб чиқмоғимиз зарур.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон электрон техника саноати ҳаётда ўз ўрнини топганича йўқ. У ўзининг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг шарт-шароитларига тааллуқли бўлган тузилма тизимларининг қонуний асосларини ҳис қилмаслиги эвазига ҳамда электрон техника саноатининг асосий элекментларини ишлаб чиқарувчи қимматбаҳо қурилмаларни чиритиб, саноат электрон техникасини ривожлантириш ўрнига энг осон йўлдан — маданий ва кундалик турмуш электрон техникасига тааллуқли қурилмаларни (рангсиз телевизорларни) ишлаб чиқариш йўлидан кетиб, хатоликларга йўл қўйди. Бу хатоларни энди тузатиш керак.

Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонга хизмат қилолмаган, эндиликда яъни бозор шароитида бироз шошилиб қолган электрон саноатини изга солиб юбориш, уни республикамиз манфаати йўлида хизмат қилдириш вақти етди. Агар қонуний асослар ишлаб чиқилса, мавжуд корхоналар имкониятларидан тўғри фойдаланилса, юксак технологияларга мўлжалланган техник қурилмаларда ўзгартиришлар киритиб, янгиликлар билан бойитилса Ватанимиз бу соҳада энг ривожланган давлатлар қаторига чиқиб олиши мумкин. Шунингдек, Марказий Осиёда ягона юксак технология муаммоларини ҳал қила оладиган қудратли замонавий электрон техника мамлакатига айланиши шубҳасиз. Зеро, янги аср остонасида турибмиз. Бу аср озод Ўзбекистон учун қутлуғ ва ёрқин бўлиши ҳозирданоқ аён бўлиб қолди. Дарвоқе, эртанги катта синов ва имтиҳонларга бугун тайёр бўлишимиз керак.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА:

...Ҳаёт бешафқат экан. Мамлакатимиз фанида, қолаверса, электрон техника саноати соҳасида катта тадқиқотлар яратган фидойи инсоннинг тўсатдан вафот этганини эшитиб... Ишонмадик. Чунки раҳматлик Юнусбек ака биз билан суҳбатлашган кунлари руҳан тетик бўлиб, Ўзбекистоннинг эртанги нурли кунларини соғиниб яшаётганлигини ва бу йўлда қанча умри бўлса, шунча йил ҳалол хизмат қилишини ёниб-ёниб айтган эди. Афсус... Қутлуғ ойда Оллоҳдан у кишининг ҳақларига савоб ёғилишини тилаймиз.

Раъно РАҲМОН қизи ёзиб олди.

Самарқанд туманидаги «Оҳангар» ҳиссадорлик жамиятида турли русумдаги тракторлар ва механизмлар учун 80 хилдаги эҳтиёт қисмлар ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади.

СУРАТДА: корхона цехида.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

САФИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

Пайариқ туманида партиямиз аъзолари сони ёшлар ҳисобига тобора кўпайиб бормоқда. Яқинда халқ таълими бўлими хизматчиларидан Норгул Норбоева, Сауле Алиева, Марказий кутубхона ходимаси Гулзода Қуралова, Муроджон Аҳмедов ва бошқалар партия аъзолигига қабул қилиндилар. Ёшларга аъзолик билетларини Ўзбекистон ХДП туман кенгашининг биринчи котиби Э. Аҳадов тантанали равишда топшириб, ишда ва ҳаётда муваффақиятлар тилади.

Раҳима САФАРОВА.

САНЪАТКОРНИ ЁД ЭТИБ

ФАРҒОНА. Вилоят ҳокимлигининг қарори билан ўзбек қўшиқчилик санъатининг ёрқин намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти, профессор, 200 дан ортиқ қўшиқ ва куй муаллифи бўлган Таваккал Қодиров хотирасини абадийлаштириш мақсадида шаҳардаги санъат билим юрти ва санъаткорнинг ўзи таваллуд топган маҳалладаги кўчага унинг номи берилди.

Алишер ИБОДИНОВ.

Хатларда ҳаёт акси

АЙБДОР КИМ?

Мен Қарши шаҳридаги собиқ жамғарма банкининг 1287/09 бўлимига 1987-88 йилларда 8 минг сўм ва куёвим номига қўйилган 3029 сўмлик омонатларини 1992 йил октябрь ойида ўз номимга ўтказиб, битта дафтарчага ёзиб беришларини илтимос қилдим. Илтимосимни бир зумда бажо келтиришиб, фоизларини ҳисоблаган ҳолда 16712 сўм омонатни менинг номимга расмийлаштиришди. Бу жараёнда қўлимга пул олганим ва қўшимча пул қўйганим ҳам йўқ. Ўша пуллар ҳозир ҳам жамғарма банк вориси — Халқ банки оборотида турибди.

Аммо ўша икки омонатни бирлаштириш менга қимматга тушди. Халқ банки «дафтарчангиз янги» деган баҳонада омонатимни индексация қилишдан бош тортди.

Бу чигални ечиш учун вилоят Халқ банки бошқармасига бориб бошлиқ ўринбосарига учрашдим. Ундан «омонатингиз 52-форма тўлдириб, янги дафтарча олганингизда индексация қилинар эди», деган жавоб олдим.

Бошлиқ ўринбосари эҳтимол ҳақдир. Лекин янги дафтарча расмийлаштирилаётганида банк масъул ходимлари 52-формани нега эслатмадилар? Бу ҳақда бирон жойда эълон ҳам кўрмаганман. Шундай экан, 52-формани хизмат вазифаси юзасидан эслатиши лозим бўлган банк ходимларими ёки ҳеч нарсадан хабари йўқ омонатчи айбдорми?

Р. АҲАДОВ,
1-гуруҳ уруш ногирони,
Қарши шаҳри.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«НАРХИ ЎРМАЛАЁТГАН ХИЗМАТ»

Газетанинг шу йил 18 январь сонида юқоридаги сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинганди. Унда пойтахтимиздаги аҳолининг енгил автомобилларига техник хизмат кўрсатувчи «Автонефтхизмат» фирмаси мижозларга кўрсатаётган хизмат ҳақини ошириб юборгани тўғрисида сўз юритилиб, баъзи эътирозлар билдирилганди. Мақола юзасидан фирма директори Шукур Ойхўжаевдан жавоб хати олинди. Унда хусусан шундай дейилади.

Аҳолининг енгил автомобилларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларининг ҳақи 1978 йилда собиқ СССР давлат нарх-наво қўмитаси томонидан қабул қилинган эди. (Прейскурант № Б 50-1978 (1—17). Республикамиз мустақил бўлгандан кейин бу ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, «Ўзавтотеххизмат»га қарашли пуллик хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг нархлари ўрганилиб, уларнинг нархига нисбатан 30 фоиз кам қилиб прейскурант қабул қилинди. Ушбу прейскурант бўйича 1997 йил 15 январгача ишлаб келинди. 1994 йил 15 октябрдан то шу давргача нарх-наво ва кўрсатилаётган хизматлар ҳақи бир неча маротаба ошганига қарамай биз аҳолига кўрсатаётган хизматлар учун 1994 йилдаги прейскурант бўйича ҳақ олиб келдик. Кейинги йилларда нефть маҳсулотлари баҳоси бир неча марта ўзгарди. 1997 йил 15 январдан «Автотеххизмат» фирмаси ўз харажатларини ўзи қоплаши учун прейскурантни қайта кўриб чиқди. Бунда «Автонефтхизмат» фирмаси кўрсатаётган хизматлар нархи республикамизда икки йил давомида энг кам ойлик иш ҳақининг ўзгарган миқдорига пропорционал равишда ўзгартирилди».

Жавоб хатининг мазмунидан сезилиб турибдики, фирма раҳбари хизмат ҳақининг оширилганини ўз корхонаси манфаати нуқтаи назаридан тўғри, деб баҳолаган. Бу табиий ҳол. Чунки ҳар қандай раҳбар аввало ўз жамоаси манфатини ҳимоя қилишга масъулдир. Шундай экан, мижозларнинг манфаатларини ким ҳимоя қилади? Қани, кутайлик-чи, бу ҳақда солиқчилар нима деркин?

Турмуш чорраҳаларида

МУҚАДДАС ДАРГОҲ ОЛДИДАГИ БЕҲАЁЛИК

Аспирант қиз менда шундай таассурот қолдирди: дадил, интилувчан, қизиқишлари кенг. У менга ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари бўйича илмий иш қилмоқчи эканлигини айтди. Мавзу танлашда ёрдам беришимни сўради. Бажонидил рози бўлдим. Бироқ ҳали бўлажак олиманинг айнан қайси адабий турга қизиқиши, қанақа мавзуни тавсия қилсам «судраб кетиши» мен учун номаълум эди. Шунинг учун ваъзлардан кейин учрашишни, бироз суҳбатлашиб кўришни таклиф қилдим.

***

Киночилар уйидан анҳор томонга келяпмиз. Куз охирлари. Пойтахтимиз энг чиройли фасл қучоғида. Сап-сариқ япроқлар чирт-чирт узилиб оёқ остингизга йиқилади. Масъум, дилбар бир айём. Куз чиройли якунланаётир. Ҳадемай бутун борлиқ оппоқ қор остида қолади.

Бўжалак олима қиз илмликкина экан. Нукусда рус тилида мактаб кўрган, сўнгги синфни қорақалпоқча тамомлаган, ўзбекчада жуда яхши гапиради, жаҳон ва рус адабиётида ўқимаган қолмаган, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ адибларининг қайси биридан сўз очсанг, давом давом эттириб кетаётир. Тайёр олима. Аспирантурада ўзбек тилида ўқийди. Мақсади — халқлар дўстлиги намуналари асосида мактаб ўқувчиларини тарбия...

Ўттиз-ўттиз беш метрлар наридаги курсида ўпишиб ўтирган эркак-аёлга кўзим тушди! Боя айтдим, анҳор томондан чиқиб, кутубхонага кирмоқчимиз ёки аспирант қизнинг вақти зиқ бўлиб, шошилаётган бўлса, автобусга кузатиб қўймоқчиман, Ўрдадан. Йўлимиз шу томонга, йўл ҳам яримлаб қолди...

Булар эса... курсида ўтириб олиб... бири бири билан, роса... «Садқаи эркак кет», дедим ўзимга ўзим, бировнинг хотинини шаҳарга олиб келиб... Ўзиники бўлса шу ерга олиб келиб ўпмайди-ку ахир!

Аспирант қиз олдинга қараб қўймаса экан, анови беҳаёларни кўрмаса экан дейман. Афтидан, қиз ҳам узоқдан уларни кўрган, балки ичидан ҳозир уксиб-оловланиб келаётгандир, негаки ҳув ўпишаётганларнинг қотиб ўтириши ҳар қандай одамнинг диққатини тортар, ҳар қандай одамнинг ҳамиятига тегадиган алпозда эди...

«Эй, бандайи ҳорис! Бировнинг гулдай хотинини шаҳарга эргаштириб келиб, шундай бузуқлик қилиб ўтиргунча, тошбуроннинг тагида қолиб кетганинг дуруст эмасми? Бу хотиннинг-ку ақли қисқа, ҳаёси чекланган экан, эй бандайи ҳорис, Одам Атонинг шарманда ўғли, сен озгина ўзингни йиғиштириб олсанг бўларди-ку! Уйингда камида учта гулдай фарзандинг бор, бу хотиннинг уйида ҳам камида иккита гулдай боласи бор, шаҳарга тушдик, бизни ҳеч ким танимайди деб, куппа-кундуз куни, қуёшнинг ёруғида, одамларнинг кўзи олдида... бу нима қилиқ? Йигирма яшар бўлсанглар экан, ҳа энди ёш-да ҳали, «қўяверинг, уйнасин» деб ўтиб кетаверсак...» Йўқ, буларнинг ўтиришини кўрган йигирма яшарликлар ҳам уялади.

Яхшиям, йўлнинг нариги чеккасидаги мелиса йигит тез-тез юриб кела бошлади.

***

Баъзи ўзбеклар қачондан бери кўчада упишадиган бўлиб қолди?

«Нима, ўзбекнинг шохи борми, упишса упишибдида» дейдиган одам топилса, жон биродар, шу гапни айтишга шошилмай турينг, имоним комилки, манави ўтирганларни кўрганингизда сиз ҳам беихтиёр жирканган бўлардингиз...

***

Аспирант қизнинг овози пасайди, кўзини ердан ололмай қолди-кўрди, кўрди анавиларнинг ўтиришини! Ичида минг уксиниб, бу дамни қаргаб келаётгандир, афсуски, энди на йўлни, на йўлдошни ўзгартириб бўлади. Фақат, бирғина умид — мелиса йигит тезроқ етиб борса-ю, беҳаёларни ҳайдаб юборса, тартибга чақирса!..

Ёмон уялдим. Ёмон бўлиб кетдим. Бошимни ердан кўтаролмай қолдим. Биз— икки халқнинг икки вакили, юксак туйғуларни қарор топтириш ҳақида орзуланиб, ғурурланиб, суҳбатлашиб келаётсагу, манави ҳорислар оиласини ташлаб, фарзандларини ташлаб келиб, пойтахтдаги энг муқаддас даргоҳ олдида, куппа-кундузи, ҳамманинг кўз олдида шундай беҳаёлик қилиб турса? Энди, шу ерда газетхон, муаллиф нима учун бу ўтирганларни вилоятдан келган, тумандан келган деб ёзғираяпти, дейиши мумкин. Шундай дейишга ҳам асосларим бор. Биринчидан, пойтахтлик бирортаям ўттиз яшар эркак-аёл худди мана шу жойга келиб, ўтирволиб ўпишмайди. Ёшларнинг йўриғи бўлак, ҳали турмуш қурмаган йигит-қизлар бўлса, йўриғи бўлак, булар ахир ўттиздан ошиб кетган. Иккинчидан, шаҳарда юраверib, кўзимиз пишиб кетган, вилоятнинг одами билан пойтахтнинг одамини шундоққина фарқлай оламиз...

***

Шармандаликдан ер бўлиб, биз кутубхонага бурилдик. Мелиса йигит уларга яқинлашди. Нималар деганию, нималар қилганидан бехабарман. Эҳтимол, салгина уялинглар, деб танбеҳ бергандир. Бўеғи менга номаълум...

Аспирант қиз билан эса суҳбатимиз тезда қовушавермади, мен ўзимни йўқотиб қўйган эдим. Суҳбатни бошқа кунга қолдиришни таклиф қилиб, хайрлашдим...

Музаффар АҲМАД.

«НА ФАҚАТ»ГА ЭҲТИЁЖ БОРМИ?

Ўзбек тилим— жону дилим

Кейинги йилларда ўзбек матбуотида ўйламай-нетмай номақбул иборалар, сўзлар ҳам ишлатилмоқда. Русча ибораларнинг таъсирида ундан нотўғри «нусха» кўчириб олинаётганлигига битта мисол (бу ҳол матбуот ва радио-телевидениеда эпидемия тусини олган).

«У киши на фақат ўзбек адабиётининг, балки умум турк адабиётининг ҳам фахри, юлдузидир».

Бундай қараганда жумла тўғридек туюлади. Русча «не только, но и...» ибораси таъсирида тузилган ушбу жумлада «но» сўзи бу жойда сира «балки» деган маънони билдирмайди: у «и»ни («ҳам»ни) кучайтириш учун айтилган. Бинобарин, бояги жумла бундай деб тузилгани маъқул: «у киши на фақат ўзбек адабиётининг, шу билан бирга умум турк адабиётининг ҳам фахри, юлдузидир».

Тўғриси «на фақат»га эҳтиёжнинг ўзи йўқ ва жумла: «У киши ўзбек адабиётининггина эмас, умум турк адабиётининг ҳам фахри, юлдузидир» дейилса ҳам рисоладагидек чиқарди.

«Балки» сўзи жумланинг олдинги палласидаги маъно бўрттириладиган ҳолларда эмас, балки инкор этиладиган ҳоллардагина ишлатилади (тузган ана шу жумламизнинг ўзи ҳам бу гапни исбот қилиб турибди).

Кишига эриш туюлиб, гашга тегадиган иккинчи бир ҳол «программа» сўзини «дастур» деб ишлатилаётгани. Форсийда «дастур» — «қўлланма» маъносини билдиради. Айни шу маънодагина ишлатилмоғи лозим эди. Ҳозир ҳатто форсийнинг ўзида «программа» маъносида «дастур» сўзи эмас, балки «барнома» сўзи ишлатилади.

Энди муддаррис даражасида билимдон Қодирий нима деганликларига эътибор берайлиг-а: «Анвар... ўн уч ёшида мактаб программасини битириб, ёш бўлса ҳам халфалик, яъни домлага кўмакчилик қила бошлади».

«Раъно... саводни отасидан ўқиб, ўн тўрт ёшида ибтидоий мактаб программасида бўлган барча дарсларни битирган...» деб ёзганлар. Кўрдингизми, бу гаплар 20-йилларда айтилган. Бошқа сўз шу маънони беролмаганлиги учун ҳам мавлоно унинг ўзгинасини олганлар.

Бинобарин, яқин 70-80 йил мобайнида ўзлашиб кетган «программа» сўзининг ўзи тикланса, айни муддао бўлурди... Ахир 60 миллион нуфузли Туркияда ҳам «программа» сўзи ишлатилаётганлигини телевидениеда кунда эшитиб турибмиз-ку!

Умуман, янги сўз, иборалар балки кўп йиллик амалиётнинг тақозо-тавсияси билан жорий этилмоғи лозим.

Биз бу мулоҳазамизда шу кунда ғоятда зарур бўлган атиги икки нуқта ҳақидагина тўхталдик, холос.

Шарафиддин КЎНЧИ.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ "ПАХТА-БАНК"И акциядорлар Умумий мажлисини ўтказади

КУН ТАРТИБИ

1. Пахта-банкнинг 1996 йил иш якунлари ва банк фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлис VII сессиясидаги маърузасидан келиб чиқувчи 1997 йилги асосий йўналишлари тўғрисида.
2. Банкнинг 1996 йил даромадлари ҳақидаги йиллик баланси ва ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Пахта-банк Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ҳақида.
5. Пахта-банк Бошқарувининг банк филиалларини ташкил қилиш ҳақидаги қарорини тасдиқлаш.
6. Банк Кенгаши таркиби ҳақида.
7. Тафтиш комиссиясининг таркиби ҳақида.

Йиғилиш 1997 йил 15 март соат 10.00да қуйидаги манзилгоҳда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 45. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамоатчилик қурилиши Академияси.

Анжуман қатнашчилари 1997 йил 15 март соат 8.30 дан 9.45гача рўйхатга олинадилар. Мажлис иштирокчилари Тошкент шаҳрига 1997 йил 14 март куни келадилар ва "Тошкент" меҳмонхонасига жойлашадилар.

Қўшимча маълумот олиш учун телефон рақамлари: 78-10-94, 78-09-41, 78-29-44.

ҚАДРЛИ ТАЪСИСЧИ ВА АКЦИЯДОРЛАР!

Анжуманни тайёрлаш ва ўтказишда Сиз фаол иштирок этасиз деган умиддамиз.

Йиғилиш кун тартиби ҳақида, Пахта-банк муассасалари фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича аниқ таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилгоҳга йўллашингизни сўраймиз.

Тошкент-700096, Муқимий кўчаси, 43 уй, "Пахта-банк"и.

ПАХТА-БАНК БОШҚАРУВИ.

Мулоҳаза

ДЕҲҚОНОБОДМИ ЁКИ ТАНГИҲАРАМ?

Умумжаҳон маданиятига асос солган миллатнинг фарзандларимиз. Аждодларимиз илму маърифатнинг барча жабҳаларида беназир бўлганлар. Улардан ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб бўлмайдиган бебаҳо маънавий мерос қолганки, уларни тадқиқ этиш, ўрганиш ва миллат тараққийси йўлида фойдаланиш биз авлодларнинг муқаддас бурчимиздир.

Аждодларимиз бошқа барча соҳаларда бўлгани каби ўзлари истиқомат қилаётган манзилларни номлашга ҳам алоҳида эътибор берганлар. Зеро, жойнинг қандай номланиши юзаки қараганда аҳамиятсиздек туюлса-да, моҳиятан ўзи яшаётган манзилнинг қандай нўм билан аталиши инсон руҳиятига жиддий таъсир этади. Кейинги пайтда топонимия ва инсон руҳияти масалалари устида олиб борилган тадқиқотлар худди шундай хулосаларга олиб келмоқда. Бинобарин, шўролар даврида жой номларининг ўзгартирилиши шунчаки, мақсадсиз бўлмаган. Балки бу ҳодиса чуқур ўрганилиб, мақсадли равишда амалга оширилган. Бу уринишлар биринчи навбатда, миллатни тарихидан жудо қилиш, оммавий фикрсизликни, демакки, қуллик руҳиятини тарбия қилишга қаратилган эди. Бунга эришилди ҳам. Натижада жуда кўп тарихий номлар унутилди. Улар ўрнига босқинчиларнинг номлари, ёхуд мустамлакачилик сиёсати билан боғлиқ номлар истеъмолга кирди. «Ленинизм», «Крупская», «Жданов», «Биринчи май», «Қизил байроқ», «Қизил юлдуз» ва ҳоказо номлар шулар жумласидандир.

Мазкур атамалар Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманидаги айрим қишлоқларнинг номлари. Шу ва шунга ўхшаш номлар мамлакатимизда ҳалиям бор. Яратганга шукроналар бўлсинки, она Ватанимиз истиқлоли боис уларнинг кўплари ўзгартирилди. Жуда кўп жойларнинг тарихий номлари тикланди.

Сўз Қашқадарёнинг Деҳқонобод тумани тўғрисида кетар экан,ушбу ном тўғрисидаги айрим мулоҳазаларни баён этсак. Туман ҳудуди асосан тоғликлар, қир ва адирлардан иборат бўлиб, аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланади. Шунингдек, туман ҳудудида оқар сувлар жуда кам. Шу боис бу ерда деҳқончилик ривож топмаган. Шунинг учун ҳам «Деҳқонобод» атамаси бу ерга мутаносиб эмас.

Хўш, бу ер қачондан бошлаб шу ном билан аталиб келинади? Бу манзилнинг тарихий номи қандай бўлган? Шу тўғрида бир оз баҳс юритсак. Манбаларда туман ҳудуди Тангиҳарам деб аталиб келингани қайд этилади. Мирхонднинг «Равзатус-сафо» асарида ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг Тангиҳарамда бир неча кун бўлганликлари тўғрисида маълумот берилган. Шу ерлик фозил кишиларнинг айтишларича, совет даврига қадар ҳам бу ер Тангиҳарам деб аталган.

«Тангиҳарам» сўзининг луғавий маъноси атрофи тоғлар билан ўралган тор жой демакдир. Ўзбек Совет Энциклопедиясида «танги» сўзига қуйидагича изоҳ берилган: «Тоғлардаги тор дара, даранинг тор қисми, қисиқ. Тожикистонда, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд областлари, Жиззах областининг жанубий қисмларида жой номлари таркибида кўп учрайди». «Ҳарам» сўзи эса жой маъносини англатади. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги Деҳқонобод туманининг Тангиҳарам деб аталаши ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Ушбу хайрли иш амалга оширилиб, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг муборак қадамлари етган бу қутлуғ манзилнинг асл номи тикланса, она тилимиз яна битта тарихий ном билан бойиган бўлур эди.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари номзоди.

Республика Ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли ҳунар-техника билим юртида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган йигит-қизлар таълим олишади. Асосан ногиронларга ҳунар ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бу масканда ҳамма шароит яратилган.

СУРАТДА: билим юрти ўқувчилари Аҳрор Эшназаров (чапда) ва Шерзод Тошев.

Ўктам ШАРИПОВ олган сурат.

КЎЗГА КЎРИНГАН АРБОБ

Миср Президенти Ҳусний Муборак 1996 йили араб оламида энг кўзга кўринган миллий арбоб деб топилди.

«Халқаро учрашув», «Бизнес олами», «Фидойилар» сингари газета ва журналлар нашр этиладиган Британия информация ва маркетинг уюшмаси араб оламида сиёсий, ижтимоий, фикрий, иқтисодий ва информация соҳасида энг кўзга кўринган миллий арбобни аниқлаш учун ўтказган ва 3 млн. 442 минг киши қатнашган сўровда 95,6 фоиз сўралганлар Миср президенти Ҳусний Муборакни 1996 йили энг кўзга кўринган миллий арбоб деб топганлар.

Сўров чоғида Миср Президентининг Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнини сабрбардош билан бошқараётгани, араб оламидаги етук раҳбар сифатида араб давлатлари орасидаги келишмовчиликларни ҳал қилишдаги жонбозлиги, Исроилнинг қаттиққўллик сиёсатига нисбатан кескин курашчига айлангани, миллий кураш тушунчасини яхши ўрнак кўрсатиш, онгли дипломатия юритиш, чуқур мулоҳаза билан қарор қабул қилиш сифатлари билан бойитгани қайд этилган.

БАРМОҚЛАРИНГИЗГА БИР ҚАРАНГ

Аломат дунёнинг аломат гаплари

Дунёда машҳур соатсозлик ширкати бошқа барча маҳсулотларидан фарқ қилувчи битта соат чиқариб, уни: «Бу қўл соатини таққанингизда, унинг ягона нусхада эканини ва фақат сизда борлигини ўйласангиз, қувончингизга қувонч қўшилади», тарзида реклама қилган эди. Нархи ҳам осмонда бўлиб, ҳар ҳолда бу соат бошқаларидан муҳим бир жиҳати билан фарқ қилишидан далолат бериб турарди.

Сиз ҳам шу онда фақатгина ўзингизга тегишли бўлган, ягона нусхадаги бир муъжизани кўришни хоҳлайсизми? Марҳамат, қўлингизни кўтариб бармоқларингизга қаранг. Учларига нақшланган излар бошқа ҳеч бир бармоқда учрамайди. Ҳар бир одамнинг сиймоси ўзига хос бўлганидан, бармоқ учларидаги излар ҳам бир-бирини асло такрорламайди ва бу ҳол Одам алайҳиссалом замонидан буён миллиардларча инсоннинг сиймолари ва бармоқ изларини фарқловчи синоат Тангрининг яратувчилигидан нишонадир.

Бугун фақат АҚШдаги полис архивларининг ўзида 300 миллиондан ортиқ инсон бармоқ изларининг тасвири мавжуд. Буларнинг бирортаси бошқа бировига қатъиян ўхшамайди ва бу хусусият билан хавфсизлик ташкилотларига асқотмоқда.

Бармоқлардаги чизиқларнинг борлиги ва моҳияти ўн тўққизинчи асрга келибгина кашф этилди ва бу кашфиётга ҳали икки аср ҳам бўлгани йўқ. Ваҳоланки, муқаддас китобимиз Қуръони каримда бу ҳақиқат ўн тўрт аср олдин аён бўлган.

40 КИШИ ҲИБСДА

МАДРИД. *Испания полицияси Интерпол ҳамкорлигида Барселона, Мурсия ва Сарагоса шаҳарларида наркотик моддалар билан савдо қилаётган, 40 нафар кишини ҳибсга олди. Текширув чоғида уларнинг ёнида 800 килограмм кокаин топилган.*

Бундан сал аввал Барселона шаҳрида ҳам 10 киши қамоққа олинган эди. Ушанда қонунбузарлар қароргоҳидан 700 килограмм кокаин мусодара қилинганди. Мутахассисларнинг фикрича, «ўлжа»нинг қиймати 110 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

АЙБДОРГА ТАН ЖАЗОСИ БЕРИЛАДИ

ДЕҲЛИ. *РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарига кўра, Покистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида муборак Рамазон ойи кириб келганини «нишонлаган» 34 киши спиртли ичимликдан заҳарланган. Уларнинг 14 нафари базм пайтидаёқ оламдан кўз юмган, қолган 20 нафари эса касалхонада бандаликни бажо келтирган. Текширувлар натижасида мазкур спиртли ичимлик маҳаллий «Тадбиркор» томонидан тайёрлангани аниқ бўлди.*

Спиртли ичимликни «хуш кўрмайдиган» Покистон қонуни бўйича айбдорга очиқ майдонда тан жазоси берилади. Муқаддас Рамазон ойида эса бундан ҳам оғир жазо берилиши мумкин.

ПУЧ ФАЛСАФА

1912 йилда Британия музейида бир калла суяги кўргазмага қўйилди. Остига «5000 йил олдин яшаган, инсон билан маймун ўртасидаги бир махлуқ» деган ёзуви бор эди. Бу бош чаноғига «Пилтдовн одами» номи берилди. 1952 йилга келиб, илм-фан ривожланиб, суякларнинг жинслари ва тарихлари радиоактив карбон ва флуор анализлари орқали текширилиб — аниқланадиган усуллар пайдо бўлди. Ҳақиқатга яқин хулосалар чиқарила бошланди.

Ҳалиги бош чаноқ ҳам худди шу усул билан қайта тадқиқ этилди. Натижа том маънода жанжалли эди. Бош суякнинг уст қисми ўша даврдан 50 йил олдин яшаб ўтган бир одамга, ияк қисми эса 60 йил олдин ўлган бир маймунга тегишли экан.

БАҲАЙБАТ ҚОНХЎР ЎРГИМЧАК

Индонезиянинг Калимантан оролининг саҳро қисмида қадим замонлардан буён будда ибодатхонаси бор. 1111 йилда ана шу ибодатхонанинг роҳиб-ақидапарастлари ҳужжат тузишган. Бу ҳужжатда Таиланд қирғоқларида баҳайбат денгиз қизил ўргимчаги борлиги маълум қилинади. Бундан ташқари ҳужжатда ана ўша ўргимчак 2222 йилга бориб Ер куррасидаги барча тирик мавжудотни қириб ташлайди. Бу маҳлуқ ўзининг даҳшатли фаолиятини Ҳинди-Хитой ярим оролидан бошлайди. 1994 йилда ана шу ўргимчак океаннинг тубида кўринди ва суратга олинди. Афтидан маҳлуқнинг ҳар бири ўзунлиги 2 метр бўлган олтита оёғи бор экан. Баҳайбат ўрмаловчининг қоронгуликда нур таратувчи кўзи ўлжани бир зумдаёқ қимирлатмай қотириб қўяди. Ўргимчак танасидан чиқарадиган заҳар кўз ойнакли илон заҳридан 122 марта кучли экан. Баъзан у кечаси қуруқликка чиқади. Таиланд қирғоқларидаги қишлоқларда бир неча одам унинг емиши бўлди.

МУҲТОЖЛИК ҲИСОБГА ОЛИНДИ

Исроилдаги давлат мактабларида 12 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўқувчилар араб тилини ўрганишлари мажбурийдир. Исроил қуролли кучларининг араб тилини биладиган мутахассисларга муҳтожлигини ҳисобга олиб, Исроил Маориф ва маданият вазирлиги шундай қарорга келди. Бугунги кунда Исроилда 160 минг мактаб ўқувчиси иброний тил билан биргаликда араб тилини ҳам ўрганишмоқда.

Исроил ҳарбий разведкасининг собиқ раҳбари Шлома Газитнинг таъкидлашича, 200 миллионлик араб дунёси билан алоқаларни яхшилашда араб тилини билиш муҳим аҳамият касб этади.

ЭНСИССЕМДАГИ ТОПИЛДИҚ

Француз ва немис археологлари Германия-Франция чегараси яқинидаги Энсиссем деган жойда эрамиздан аввалги 5 минг йилликда яшаган одамнинг бош суягини топди.

Қидирув ишларини олиб борган гуруҳ раҳбари Кристиан Женесснинг маълум қилишича, бу Европадан топилган энг қадимий бош чаноғи бўлиши мумкин. Бош чаноқ 50 ёшдан ошган эркак кишиники эканлиги аниқланган. Диққатга сазовор жойи шундаки, ўз даврида бош чаноқ малакали табиб қўллари билан очилган экан. Бунга бош чаноқдаги жарроҳлик тигидан қолган излар мисол бўла олади.

Қушлар бизнинг дўстимиз.

ЎзА олган сурат.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997 yil 28 yanvar, seshanba № 12 (22.097).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

СПОРТ

НИЯТ — КУЧЛИЛАР САФИДА БЎЛИШ

Теннисчиларимиз янги мавсумга пухта ҳозирлик кўришмоқда. Улар олдида масъулиятли ва фахрли вазифалар турибди. Вакилларимиз бу йил ҳам «Буюк ипак йўли» — сателлит, «Президент кубоги» каби халқаро мусобақаларда қатнашадилар. Айни пайтда теннисчиларимиз Дэвис кубоги учун курашга шайланмоқдалар. Улар яқинда Пекинга йўл оладилар. Бу ерда 4-6 февраль кунлари нуфузли кубок учун курашнинг Осиё-Океания минтақаси биринчи гуруҳидаги Хитой жамоаси билан учрашув бўлади. Мақсад ғалаба қозониб, жаҳоннинг энг йирик теннисчилари сафида бўлиш. Унгача Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Вадим Куценко, Темир Ғаниев Исроилда ўтказиладиган учрашувларда иштирок этадилар.

СУВДА «РАҚС» ТУШИБ

Майин мусиқа садолари остида қизларнинг сув юзида нафис ҳаракатларни бажаришларида ўзига хос нафосат бор. Бундай синхрон сузиш тобора оммавийлашиб бораётган спорт турларидан. Мухлисларимиз эса бу борада халқаро тоифадаги спорт устаси Марина Абрашкинага кўпроқ умид боғлайдилар. Бу қиз шу кунларда Хитойда ўтадиган жаҳон кубоги учун курашга ҳозирланмоқда. У яқинда мамлакат кубоги учун мусобақада ғалаба қозонди. Дугоналаридан Екатерина Бекетова билан Елена Зориналар 2-3 ўринларни олишди. Жуфтликлар баҳсида Ольга Бистрова билан Екатерина Зорина зафар қучишди.

ДАРВОЗАБОН БОРМИДИ?..

Футбол мухлисларининг эътибори шу кунларда Москвага қаратилган. Бу ерда МДҲ чемпионлари кубоги учун анъанавий мусобақа ўтказилмоқда. Маълумки, «Навбаҳор» футболчилари бундай мусобақага биринчи бориши. Афсуски, уйдаги гап кўчага тўғри келмас, деганларидек вакилларимиз дастлабки ўйиндаёқ имкониятни бой беришди. Улар Кишиневнинг «Зимбру» жамоасига ютқаздилар. Жавобсиз 5 та тўп ўтказиб юборилди. Куюнганингдан: «дарвозабон тайинлашни унутишган бўлса керак?» деб ўйлайсан киши. Вакилларимиз навбатдаги учрашувни мезбонлар — спартакчилар (0:3) билан ўтказишди. Бугун эса Бокунинг «Нефтчи» жамоаси билан майдонга тушадилар. Бу жамоа эса биринчи ўйинда спартакчиларга (2:4) ютқазган эди. Бу ёғи нима бўларкин?

ЭҲРОМ ЯНГЛИҒ ЎЧМАС ИЗ

Хотира азиздир

Арабларда шундай ҳикмат бор: «Дунёдаги жамики нарса вақтдан қўрқади. Вақт эса эҳромлардан».

Ҳа, ёруғ дунёга келиб, кетмоғимиз азиз муножот бўлса, яшамоқдан маъни нимадур? Қалбида эзгулик дарахтини суғоролмаган, ўз онгу-шуурида олам мунавварлиги, ҳаёт барқарорлигини ҳис этиб, инсоний туйғулари, пок ақидаларидан хусусий эҳромини тиклаёлмаган одамни вақт ҳукми шаксиз беаёв емириб бораверади. Ортида эса ҳеч нарса, ҳеч қандай яхшилик сўқмоғи ҳам қолмайди. Бунга биров воажаб ҳам демайди. Ҳолбуки, унинг тириклигида кечган умри билан ўлчанади, охирати ҳам.

Шу ўринда бир нарсани англаш жоизки, илм аҳли чинакам маънода бундан мустасно. Уларни муттасил бойитиб борган илмий дунёси, беқиёс мероси оқлайди. Худди кашфиётлар аллақандай ўрис олимининг ихтиросига айланиб кетгани ҳам муболаға эмас. Коммунистик бир ёқлама ғоялар остида, ўз эрки, ғурури офтоб кўрмай, илм негизида мардларча муқаддас эҳромларини тиклаб кетган юртимизнинг жасур ўғлонлари бизга жасоратдан дарс бериб ўтдилар. И. Мўминов, Ҳ. Абдуллаев сингари ватанпарвар академиклар ўша мажҳул тузумда ҳам, элимизнинг иқтидорли фарзандларидан фаннинг ҳар бир соҳа ва тармоқларида етук мутахассислар тайёрлашга йўл очишган ва бунга эришган ҳам эдилар.

Зеро, фан тараққиёти учун фидойи қалб соҳиблари бўлмаса, улкан мўъжизалар амалга ошиши хатодир.

Бугунга келиб эса уларнинг пок номларини ифтихор ила тилга олаяпмиз. Шу ўринда айнан турғунлик йилларида ўз илмий фаолиятини бошлаган Ўткир Узоқовнинг номини ҳам фахр билан эсламоқ мавриди келди. У киши ҳали Ўзбекистонда эндигина шаклланаётган паразитология фани тараққиётига улкан улуш қўшди. Унинг барқарор соҳага айланиши учун бор илмини аямади. Ўткир ака ниҳоятда шижоатли олим, салоҳиятли инсон эди. Қолаверса, илм-фан дунёсида ўзига хос из ҳам қолдирди.

Унинг ўз издошларига ва юртдошларига қолдирган катта, бой мероси бор. Ортида ойдин ва ёп-ёруғ йўл қолди. Уларнинг қай бирини эслайлик. Бир китобгада сиғмайди.

Сўзимизни бежизга эҳромлардан бошламадик. Мана, тақдирнинг ҳукмини қарангки, чин дунёга рихлат қилиб кетган Ўткир Узоқовнинг амалга ошириб кетган илмий кашфиётлари ҳозир ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Булар — унинг умр бўйи тиклаб кетган ўз эҳромидир.

Бурҳон РАСУЛЕВ.

Рамз БОБОЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

ДЕРАЗАМНИ КИМ ЧЕРТДИ?

Деразамни сен чертдингми ё шамол,
Билолмадим, алдадими ўй-хаёл?
Ухлай десам ухлолмадим ўша кеч,
Ишқ сурони тинчлик бермас эди ҳеч!

Қандоқ қилай, ováраман, овора,
Тонг оттунча кўз юммадим, на чора?

Юлдузларга гўё айтдим зоримни,
Қистов қилдим, топиб бер деб ёримни.

Сен келмадинг, нотавонман, ёлғизман,
Ўша кеча, ғариб кеча сенсизман.
Билолмадим, алдадими ўй-хаёл,
Деразамни сен чертдингми ё шамол?

НАЙЛАЙ

Дейдиларки, севги ҳеч қачон
Ҳусни чирой танламаганмиш,
Ажинларни кўрмагансимон
Соч оқарса, англамаганмиш...
Найлай? Кўнглим ҳамон сарсари,
Умрим эса оқар бир дарё.

Кексаликдан йўқдай хабари
Таъналарга бефарқ, бепарво.
Кексаликнинг етмасми ўзи,
Наҳотки сен тилга оласан?
Бевақт сўнса, севги юлдузи,
Уволига ўзинг қоласан!

БАЛКИ

Хиёбон бағрига отилдинг гулдай
Ва ўзинг ногаҳон гул бўлиб қолдинг.
Баҳор сеҳрлаган ошиқ кўнгилдай
Энтикиб-энтикиб чуқур тин олдинг.

Балки бир қучоқсан, бир боғнинг ўзи...
Балки ўхшаши йўқ илоҳий гулсан.
Сендадир севгилим, қалбимнинг кўзи,
Мен сенга, сен эса севгига қулсан.

НЕГА ИНДАМАЙСАН?

Кўзларим тубида ёнар юрагим,
Ёнган юрагимни яна ёқсанг, ёқ.
Сенсан саодатим, сенсан тилагим,
Севгилим,
дилбарим, кўзларимга боқ.
Кўзларим тубида ёнар юрагим...

Нега индамайсан, нега тилинг лол?
Ким айтиб беради севги эртагин?
Вафо деганинг бу ҳақми ё хаёл?
Кўзларим тубида ёнар юрагим,
Нега индамайсан,
нега тилинг лол?

КЎНГИЛ

Ёшликда берган кўнгил,
Жонгинам, ўша-ўша.
Сенга олиб келдим гул,
Меҳримни қўша-қўша.

Ошиқлигим начора,
Кексаликни тан олмас.
Юрагим пора-пора,
Ақлимга қулоқ солмас.
Сени кутдим тонготар,
Кун ботса ҳам келмадинг.

Сени кутдим бехатар,
Эл ётса ҳам келмадинг.

Сени йўқласам ҳаргиз,
Мени этма гуноҳкор.
Тунни ўтказдим ёлғиз,
Кундузни қил бахтиёр.

Ёшликда берган кўнглим,
Меҳру вафо гулидир.

Билки, кимга йўқ ўлим,
У муҳаббат қулидир.

Сени севдим беғараз,
Ўша-ўшаман ҳамон.
Юзингда кўрмай араз,
Балки ёмонман, ёмон...

Сенга олиб келдим гул,
Меҳримни қўша-қўша.
Ёшликда берган кўнгил
Жонгинам, ўша-ўша...

БУХОРОНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА



Қадимий обида. Ҳайдар ҚУРБОНОВ олган сурат.

Kunnoma

Yangiliklar, voqealar, xabarlar

AMUDARYODAN SUV TORTIB

NUKUS. Ellikqal`a tumanidagi Qilchinoq qo`rg`onida daqiqasiga 15 kub metr suv chiqaradigan nasos stansiyasi foydalanishga topshirildi. Amudaryoga o`rnatilgan bu nasos olti agregatli bo`lib, uning har biri 2,5 kubometrdan suv tortadi. Nasosning elektr toki hisobiga harakatga keltirilishi dizel yonilg`isiga nisbatan arzonga tushayapti. Muhimi, Ellikqa`la va Beruniy tumanlari dalalariga suv taraladigan bo`ldi.

Reyimboy YESHIMBETOV.

"O`ZBEKISTON OVOZI"GA OBUNA DAVOM ETADI

Andijon viloyat ichki ishlar boshqarmasi Davlat yong`in nazorati bo`linmasi xodimlari "O`zbekiston ovozi" gazetasini bu yil ham o`qib boradilar.

Hursandbek ARABBOYEV olgan surat.

SAVOB VA RAG`BAT

NAVOIY. Qiziltepa tumanidagi "Nafosat" madaniyat saroyi jamoasi o`ziga xos ibrat ko`rsatdi. Bu jamoa yil davomida kam daromadli oilalardan bir qanchasining to`yini bepul o`tkazishga, ba`zilariga esa arzon-garovga xizmat ko`rsatishga ahd qildi. "Har kun, har kim savob ish qilish kerak, — deydi bo`lim mudiri H.Ochilov. — Biz Shavkat Temirov, To`lqin Zayniyev, Sha`ban Bobojonov o`zaro kelishib, mana shunday ish qilishga qaror qildik".

Bahodir EGAMOV.

ЭЪЛОН

Очиқ турдаги «Роҳат» ҳиссадорлик жамиятининг фирма магазинлари аҳолидан ва савдо ташкилотларидан 0,33 литр сиғимдаги шиша идишларни қабул қилади.

Алоқа учун телефонлар: 63-93-63, 63-87-09.

Диққат!

ИМТИЁЗЛИ РЕКЛАМА

"Осиё бозори" газетаси

маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг реклама ва эълонларини **30%** арзон нархларда чоп этади.

Бизга қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг: (3712) 33-79-14, 33-47-80. Факс: (3712) 33-54-55.

«АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД»

Ўзбек — турк қўшма корхонаси полипропилен ун қопларини ҳамда тегирмон валларини пул ўтказиш йўли орқали **СОТАДИ**

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Асака кўчаси, 52. НПО «Технолог» биносининг 4-қаватида (3-ун заводининг ёнида). Тел: 68-77-36.

ЭЪЛОН

16-КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ЖАМЛАНМА АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

ўз акционерларига шуни маълум қиладики, 1997 йил 25 февраль соат 16.00 да Ўрта Чирчиқ тумани Авангард қўрғонида 16-КМЖнинг фаоллар залида акционерларнинг 1996 йил иш якунларига бағишланган **УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БЎЛАДИ.**

Кун тартиби:

1. 16-КМЖ акционерлик жамияти бошқаруви раисининг 1996 йил молия-хўжалик фаолиятининг натижалари ҳақидаги ҳисоботи.

2. Ревизия комиссиясининг 16-КМЖ акционерлик жамияти молиявий аҳволи ҳақидаги хулосаси.

Минск шаҳридаги «СТЕЦКЕВИЧ» акционерлик жамияти пахта толасини **СОТИБ ОЛАДИ.**

Шу ишга қизиққанларни доимий ҳамкорликка чақирамиз.

Минск шаҳридаги телефон-факс: (017) 298-50-28, 228-51-28.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи И. ҲАМРОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 28.931 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 03

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА